




XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 6 сентябрь, пайшанба, 36 (460)-сон



35 миллиард Андижонда автомобиль йўллари таъмирлаш учун ажратилади

3 БУЊЁДКОРЛИК



Депутатлик имтиёз эмас, масъулиятдир

4 МУНОСАБАТ



«CHEVROLET COBALT»: Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

5 ЖАРАЁН

Депутатлар ташаббуси:



ИСЛОХОТЛАР ТАЛАБИГА МОСЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга киришди

Маълумки, ветеринария — ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни даволаш, аҳолининг юқори сифатли қорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат ва хўжалик тадбирлари мажмуидан иборат муҳим тармок ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатимизда ветеринария хизматини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш станциялари ва отрядлари, диагностика марказлари, ветеринария лабораториялари, махсус экспедициялар, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари сингари ўнлаб ташкилотлар олиб бормоқда.

3 >>>

МУЗЕЙДА ЯНГИ КЎРГАЗМА

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ўлкашунослик музейида «Ўлкамиз тарихи сарчамаси» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмадан ўрин олган 500 дан зиёд экспонатлар Оролбўйи тарихи, табиати ва бу ерда яшаётган аҳолининг миллий маданияти ҳақида кенг маълумот беради. Тарих, этнография, археология, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати намуналари, хунармандчилик буюмлари, айниқса, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи фотосуратлар томошабинлар эътиборини тортмоқда.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА муҳбири

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



Ана шундай эзгу ғоя асосида кенг нишонланган мустақиллигимизнинг 21 йиллик тантаналари ҳақиқатан ҳам эркин ва фаровон яшаш, ҳеч кимдан кам бўлмаслик, бугунги ва эртанги кунга ишонч туйғуларини қалбларимизга янада чуқурроқ жо этди, десак муболага бўлмайди.

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг тантанали маросимдаги табрик сўзида баён этилган фикр-мулоҳазалар қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Биз гўё ана шу лаҳзаларда 21 йиллик тарих саҳифаларини яна қайта varaқлагандек, осон кечмаган йилларга қайтиб, яқин ўтмишни бугунги кун билан қиёслагандек бўлдик.

Юртбошимиз табригида баён этилган фикрлар Ўзбекистон мустақиллигининг учинчи ўн йиллиги ҳам бундан-да зафарли бўлиши, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади, десак муболага бўлмайди.

Утган давр мобайнида ривожланган демократик давлатлар сафига қўшилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация қилиш борасида улкан натижалар қўлга киритилди, албатта. Бу, шубҳасиз, келгусидаги марралар учун том маънода мустаҳкам замин яратди.

Тўғри, ана шу даврда мустабид тузум асоратларини енгиш, турли қаршиликларга қарамай тобелик ва қарамликдан қутулиш, энг асосийси, одамлар онгидagi ўзгаришларга эришиш осон кечмади. Ночор ва иқтисодиёт

диёт издан чиққан ўлкадан ўзгаллаш, ўз нефти бўлган, иқтисодиёти барқарор ривожлана бошлаган, тадбиркорлик изчил тараққий этаётган давлатга айланиш даврида истиқлол йўлининг гуллар экилган раvon йўл эмаслигига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз вақтида қабул қилинган фармон ва қарорлари, истиқлолнинг дастлабки йилларида амалиётга жорий этилган қонунлар муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Утган даврда миллий иқтисодиёт қарийб 3,7 баробар, аҳолининг реал даромадлари жон бошига — 7, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар ошгани «ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун» шioriга қатъий амал қилингани натижаси, албатта.

2 >>>

Партиявий лойиҳа

Ғолиблик кимга насиб этди?

Бухорода «Келажак бунёдкорлари» ёшлар форуми доирасида O'zLiDeP томонидан таъсис этилган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг республика босқичига яқун ясалди

Муълумки, истиқлол йиллари Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбия-

лаш, уларнинг ўзлари танлаган соҳаларда самарали иш олиб боришлари учун қулай шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу жараёнда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва уюшмалар ҳам

фаол иштирок этмоқдалар. Шу ўринда O'zLiDeP ҳам ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келаятиганини таъкидлаш жоиз. 2004 йилдан буён ўтказилаётган ва янги авлод вакиллари фаол иштирок этаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови бунга мисол бўлиши мумкин.

Ушбу танловнинг жорий йилдаги шаҳар, туман ва вилоят босқичларида жами 7 минг нафарга яқин талаба иштирок этиб, уларнинг 42 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

2 >>>



O'zLiDeP сайлов қонунчилигини такомиллаштиришдан манфаатдор

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг парламентдаги фракцияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилди

Маълумки, сайловлар давлат ҳокимияти ва унинг органлари фаолиятини қонунлаштирадиган ҳамда ушбу институтлар фаолиятининг адолатли эканлигига аҳолида ишонч уйғотадиган сиёсий-ҳуқуқий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш жараёнлари изчиллигининг самарали таъминланаётгани учун ҳам бугун фуқароларнинг жамиятда ўз сиёсий ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш имкони яратилди. Зеро, тажрибадан маълумки, сайлов тизимининг мунтазам такомиллаштириб борилиши амалдаги қонунларга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан боғ-

лиқ жараёнлир.

O'zLiDeP фаолларининг фикрича, сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши ва янада мустаҳкамланишидан мамлакат сиёсий саҳнасида фаолият юритаётган барча партиялар бирдек манфаатдордир. Чунки сайлов қонунчилиги қанчалик мукамал бўлса, партиялар сайловларда ишонч билан иштирок этади. O'zLiDeP фракцияси аъзолари қонун лойиҳасига ана шу нуқтаи назардан ёндашдилар.

Жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳани бирин-

чи ўқишга тайёрлашда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда туркум тадбирлар ташкил этилиб, унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, электрот вакиллари фаол қатнашдилар. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эса партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари томонидан «Сайлов эркинлигини таъминлаш: миллий сайлов тизимини босқичма-босқич, изчил либераллаштириш» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

3 >>>

Тадбиркорлик мустаҳкам қонун ҳимоясида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида ушбу соҳа иқтисодиётимиз ривожиди, халқимиз ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имтиёзлар берилаётгани, уларга янада қулай бизнес муҳити яратилаётгани, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланаётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,

жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи, ақлия катта маслаҳатчиси Ислам Жасимов билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбирининг суҳбати ҳам шулар ҳақида бўлди.

— Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва уни изчиллик билан кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш Президентимиз юритаётган

иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан, — дейди И.Жасимов. — Лицензия ва рухсат бериш тартиби, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмнинг муттасил такомиллаштирилаётгани, ортиқча бюрократик говларнинг бартараф этилаётгани тадбиркорлик ривожиди муҳим омил бўлмоқда.

6 >>>

6

ШУ СОНДА:

ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМИ ТАДБИРКОР М.МҮЙДИНОВГА ТЕГИШЛИ УСТАХОНАНИ БУЗИШ ҲАҚИДА ҚАРОР ЧИҚАРГАН. БИРОҚ ҚОНУНГА ЗИД БУ ҚАРОР ПРОКУРОР ПРОТЕСТИГА АСОСАН БЕКОР ҚИЛИНДИ.



Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

М.ТЕШАБОВЕВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси:

— Давлат бош ислохотчи сифатида иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий эркинликлар кафолатига айланди. Айтилган маънода энг таъсирчан ижтимоий қатламга айланиб улгурган ўрта синфнинг вужудга келиши ва ишбилармонлик тузилмаларининг қарор топишига кўмаклашишни ҳам давлат ўз зиммасига олди. Бу борада миллий парламентимиз томонидан 450 дан орტიқ қонун, 200 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида қайд этиш жоиз. Президент фармон ва қарорлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва преференциялар жорий қилинди. Тараққиётнинг «ўзбек модели» дея эътироф этилган ана шундай илҳом амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон тез ва барқарор суъратларда ўсиб бораётган давлатлар қаторида жой олди.

Шу ўринда Юртбошимиз табригида ўтган йиллар мобайнида эришилган марраларни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиш, бошланган ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнини янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифалар қаторида тилга олиндики, бундан, энг аввало, биз — сиёсий партиялар аъзолари жиддий ҳулосалар чиқаришимиз лозим, албатта.

Шу маънода ҳам ўз фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислохотлар натижаси учун масъулиятни зиммасига олган O'zLiDePнинг барча бўғинларидаги фаоллари Юртбошимиз табригида баён этилган фикрлардан тегишли ҳулоса чиқариб, билдирилган ҳар бир фикр, сўз замиридаги маънони англашга ҳаракат қилаётганларини таъкидлашни истардим.

Табриқда, шунингдек, тинчлик ва хотиржамликни, жамиятда меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро толувлани кўз қорачигидек асраш лозимлиги таъкидланди. Зеро, ўтган даврда 130 дан орტიқ миллат ва эллат вакиллариининг ҳамжиҳатлиги



Ўзбекистонда эришилган ютуқлар учун қафолат бўлиб хизмат қилганини ҳар доим ёдда тутмоғимиз лозим.

Бундан буён ҳам бутун жамоатчилик қатори O'zLiDeP ҳам ана шу масалага партия фаоллари, маҳаллий кенгашдаги депутатлар эътиборини қаратаверади. Зеро, тинчлик, тотувлик бўлган жойдагина ривожланиш, эзу мақсадлар ижобати таъминланади.

Улкан мақсадлар сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг 21 йиллик истиқлол йўли тарихнинг шонли саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилишига шубҳа йўқ

Ботир МУСУРМОНОВ,
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» раҳбари:

— Ана шу даврда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида халқ турмуш даражаси юксалди, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди бутунлай янги қиёфага кирди. Аждодларимиз мероси, миллий урф-одатларимизни таълимий урф-одатларимизга тиклаиб, илм-фан чуққилирини забт этаётган, турли соҳаларда ўз гайрат-шижоати билан жаҳон аҳлини ҳам лол қолдираётган навқирон авлод шаклланди. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдан иборат.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жаҳон ҳамжамиятида ўз ташқи сиёсат стратегияси, халқаро муносабатлардаги позицияси билан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Бу асрлар даврида орзу қилган халқимиз эрки ва озодлиги меvasи, давлатимиз суверенитети

ти билан боғлиқ муҳим ҳуқуқимиздир. Шу ўринда яқин тарихга назар ташлаб, ана шу ҳуқуқни қўлга кириштириш дақиқаларини эсласак, ўтган йилларга қиёсий баҳо бериш мумкин бўлади.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асаринда мамлакат сиёсий суверенитетини таъминлаш билан боғлиқ масалалар энг муҳим вазифалар қаторига қўйилгани таъкидланади. Зеро, бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашининг асоси эди. Ўтган йилларда Ўзбекистон халқаро ва ташқи сиёсий муносабатларда мустақил позициясига эга давлатга айланди. Бунда Президентимизнинг буюк давлат арбоби хос ноёб истеъдоди, фаол сиёсий ва интеллектуал салоҳияти, донишмандлик ва узоқни кўра олиш, оғир ва вазмин, чуқур мушоҳада ва таҳлил таянган ҳолда танлаган йўли асос бўлиб хизмат қилганини халқаро таҳлилчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқда-

лар. 21 йил мобайнида халқаро муносабатлар тизимида бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз ҳамда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳам бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон 1992 йили БМТга аъзо бўлди ва бугунча 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида давлатлараро муносабатларда ишончли ҳамкорлик қилинаёпти. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги маърузасида ҳам жаҳон аҳли ана шу ҳақиқатни яна бир бор айтган, дейиш мумкин.

Шу ўринда Президентимиз табригида бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва оқойиш-таликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳамisha эътиборда бўлиши лозимлиги яна бир бор таъкидланганини айтиш жоиз. Бунда, шубҳасиз, O'zLiDePнинг маҳаллий кенгашларидаги мафкурачилари,

янги авлод билан фаол иш олиб бораётган «Ёшлар қаноти», опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаётган «Аёллар қаноти» вакиллари зиммасига жуда катта масъулият юклатилмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Президентимиз номида келган самимий кутловлар орасида БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг табригида Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолиятига ҳам юқори баҳо берилди.

Қурилиб турибдики, Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларида қандай йўл тутган бўлса, ана шу йўлга содиқ қолимоқда.

Президентимиз табригида ҳам халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомидда вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажигимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танаб олган йўлидан ҳеч қачон ортага қайтмаслиги таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик тантаналаридаги табригида тинчлик ва барқарорликка алоҳида урғу берилган бежиз эмас. Зеро, ана шу неъматлар туфайлигина элимиз осойишта, дастурхонларимиз тўкин, осуда меҳнат қиляпмиз, янги уйлар қуриб, тўйлар ўтказаяпмиз

Сурайё ХАМРОЕВА,
халқ депутатлари Тайлоқ туман кенгаши депутати, O'zLiDeP аъзоси:

— Баъзан оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси зиммасига катта масъулият юклайди. Ўз хонадонимизда мўъжазгина қурилиш учун ҳам қанча куч сарфлаймиз. Шундан келиб чиқиб, бутун бошли мамлакат юқини елкага олиш нақадар катта масъулият эканини тасаввур қилиш мумкин. Бугунги натижалар, улкан ютуқ ва ғалабаларни бундан йигирма бир йил олдин ҳатто тасаввур ҳам қила олмадик.

Кўчаларимизни тўлдириб юрган энгил автомобиллар, автобуслар, юк машиналари бутун ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Қай ҳудудга борманг, янги уйлар, кўприклар ва иморатларга кўзингиз тушади. Туманимиздаги Маданият қишлоғида жорий йилда 53 та кўркам уй-жой қад ростламоқда. Ҳозиргача Ворсин қишлоғида бунёд этилган бир ва икки қаватли 123 та янги ҳовли ўз эгаларига топширилди. Шу ўринда болалигимдаги бир воқеа эсимга тушади. Бир кун отам қурилиш ниятида ҳовлимизга бир машина пишиқниш келтирди. Лекин ўз уйингда мустақил қурилиш қилиш, баландроқ иморат солиш та-

қиқларидан чўчиб, гишти яна қайтариб юборган эдилар. Шукурки, бутун эркинимиз, тadbиркорлик билан шуғулланиш, хоризгача чиқиш, билим олиш ўз ихтиёримизда. Ўтган йилларда таълимни ривожлантириш билан бирга мактабга таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари ҳам тубдан ўзгарганини таъкидлаш лозим. Жорий йилнинг ўзида туманимиздаги қишлоқларда янги лойиҳа асосида яна 3 та мактаб қурилиб, замонавий услубда тўлиқ жиҳозланган ҳолда ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Соёқ тузум даврида эса бор-йўли 16 та мактабга таълим муассасаси бўлиб, уларнинг аксари кол-

хозлар тасарруфида бўлгани боис эътиборсиз ҳолатда эди, энг ачинарлиси, улар йил давомида 4-5 ойгина фаолият юритарди, холос. Ҳозирда бор-олиғ қишлоқларда болалар боғчалари бўлиб, жами 39 та мактабга таълим муассасалари болажонларимиз ихтиёрида. Айтиш мумкин 12 та шундай муассаса капитал таъмирдан чиқарилди.

Бундай натижалар замирида юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи гоилари мужассамдир. Шунинг ҳолда ўқувчилар ихтиёрига ушун ҳам 21 йиллик тантаналарни «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида қутиб олдик, деб ўйлайман.



Ғолиблик кимга насиб этди?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Аскар ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Бухоро шаҳридаги санъат коллежиде бўлиб ўтган якуний босқичда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия «Ёшлар қаноти» фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан республика босқичига йўланма олган ёшлар иштирок этдилар.

Маросимда сўзга чиққанлар ушбу тадбир O'zLiDePнинг ёшлар оид дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш билан бирга уларнинг ақлий ҳамда жисмоний салоҳиятини юксалтириш, бизнес оламига яннала фаолроқ жалб этиш, истеъдод ва иқтидорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидладилар.

чилик маҳсулотлари, аёллар ва болалар кўйлаклари ҳам ҳакамлар эътиборини тортиди. Қарши давлат университети ҳузуридаги 2-академик лицей талабаси Моҳигул Шуқурованинг эса «Олма қуртга қарши курашнинг самарали усули»га оид бизнес лойиҳаси ҳам муваффақиятли ишланма сифатида эътироф этилди. Унда 12 вольтли электр токни олма кўчатига юбориш орқали кутилган натижа ва самарага эришиш мумкинлиги атрофлича баён этиб берилган.

кўпчиликни ташкил этиши кўрик-танловда яна бир марта намоён бўлди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимжон Алимов. — Наманганлик талаба қизлардан бири — тиббиёт коллежи ўқувчиси Сетора Абдувакитованинг бирорта ҳам ип ва игна ишлатмаган ҳолда тулли газламалардан аёллар кўйлакларини тайёрлагани ва уларни харидорларга тавсия этгани, очиги мени ҳайратга солди.

— XXI аср — интеллектуал ёшлар асри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди ҳакамлар ҳайъатининг яна бир аъзоси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшанбек Асқаров. — Бугунги ёшлар бундан 15-20 йил аввалги йигит-қизлардан кескин фарқ қилиши, уларнинг ахборот-коммуникациялардан яхши хабардор эканининг ўзи мамлакатимиз маънавияти юксак ва ҳамisha олга интилуви ёшлар қўлида эканидан далолатдир.

2011 йилда «Камолот» ЕИХнинг «Келажак овози» кўрик-танлови Сирдарё вилоят босқичида «Менинг бизнес гоям» йўналиши бўйича ғолибликка эришган Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хўна қоллежи талабаси Азизбек Турдимуродовнинг оидий шамолдан фойдаланган ҳолда олис қишлоқларни электр энергияси билан таъминлаш борасидаги бизнес лойиҳаси ҳам кўпчилик қизиқишини уйғотди. Гап шундаки, ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан бир йил давомида сал кам 23 минг куб кўмир, 29 минг баррель нефть тежаб қолиниши асослаб берилди.

Самарқанд шаҳридаги Сартепо туризм коллежи талабаси Соҳиба Яллабоеванинг «Хўл меваларни қуриштириш ва чиройли қадокларда сотиш» мавзусидаги бизнес-режаси, бухоролик Жасур Мустафоевнинг инновацион лойиҳаси ҳам жами 14 нафар ёш тадбиркорнинг ишланмалари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳолалиб, улар фахрли биринчи ўринга лойиқ топилди.

Чолғу асбобларини ясаш бўйича тажриба орттираётган қорақалпоғистонлик Баҳром Отарбаев, трикотаж матосига қўл меҳнати билан ишлов бериш «ҳадисини олган» сурхондарёлик Феруза Азезова, тикувчилик йўналиши бўйича камида 10 та янги иш ўрни яратиш истагида бўлган фарғоналик хўнаранд Муслима Аҳмедова, вобкентлик Дурдона Фаниева сингари иқтидорли ёшлардан иборат 14 нафар йигит-қизга эса 2-ўрин насиб этди. Кўрик-танловда 1 ва 2-ўринларни эгаллаган ёшларга янги ўқув йилида O'zLiDeP стипендияси берилиши қарор қилинди.

Бундан ташқари, тадбир қатнашчилари Бухоро шаҳридаги ғўшт, қолбаса ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сулшержон» хусусий корхонаси иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Вилоят мусиқали драма театри биносида таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида намоён этилган концерт дастури танловга яқун ясади.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Ёш тадбиркор — юрта мадақдор» кўрик-танловининг республика босқичида совринли ўринни қўлга киритган Паркент агросаноат касб-хўна қоллежи (Тошкент вилояти) ўқувчиси Мафтуна Назарованинг асарларичиликни ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракати мутахассислар томонидан бежиз эътироф этилмагани маълум бўлди. Шу ўринда Мафтунанинг Ўзбекистонимиз ва бир қатор хоризий давлатлар байроқларининг рамзлари туширилган тикув-

чилик маҳсулотлари, аёллар ва болалар кўйлаклари ҳам ҳакамлар эътиборини тортиди. Қарши давлат университети ҳузуридаги 2-академик лицей талабаси Моҳигул Шуқурованинг эса «Олма қуртга қарши курашнинг самарали усули»га оид бизнес лойиҳаси ҳам муваффақиятли ишланма сифатида эътироф этилди. Унда 12 вольтли электр токни олма кўчатига юбориш орқали кутилган натижа ва самарага эришиш мумкинлиги атрофлича баён этиб берилган.

Чолғу асбобларини ясаш бўйича тажриба орттираётган қорақалпоғистонлик Баҳром Отарбаев, трикотаж матосига қўл меҳнати билан ишлов бериш «ҳадисини олган» сурхондарёлик Феруза Азезова, тикувчилик йўналиши бўйича камида 10 та янги иш ўрни яратиш истагида бўлган фарғоналик хўнаранд Муслима Аҳмедова, вобкентлик Дурдона Фаниева сингари иқтидорли ёшлардан иборат 14 нафар йигит-қизга эса 2-ўрин насиб этди. Кўрик-танловда 1 ва 2-ўринларни эгаллаган ёшларга янги ўқув йилида O'zLiDeP стипендияси берилиши қарор қилинди.

ФАРҒОНА ТУБДАН ЯНГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 23 августидеги қарорига кўра, 2012-2013 йилларда Фарғона шаҳри аэропорти ҳудудида Расмий делегациялар зали барпо этиладиган бўлди. Бундан ташқари, 2013 йилгача шаҳардаги Марказий маданият уйи қайта таъмирланади. Шаҳарда 20 минг томошабинга мўлжалланган янги футбол стадиони ҳам қурилади.

«Фарғона шаҳри ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорига мувофиқ, 20 минг муҳлисга мўлжалланган ўйингоҳни бунёд этиш учун сарфланадиган 6 млрд. сўмга тенг маблағ, шунингдек, аэропортнинг янги мажмуасининг қурилиши 2012 йилга мўлжалланган Инвестицион дастурга кўра, давлат томонидан ажратилган лимитларни қайта ҳисоблаш орқали молиялаштирилади.

Маданият саройини қайта қуриш ва тиклаш учун сарфланадиган 1,45 млрд. сўмлик харажатлар эса Фарғона вилоятининг маҳаллий бюджети ҳисобидан қопланади.

О'zLiDeP сайлов қонунчилигини такомиллаштиришдан манфаатдор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Мулоқот форумлари доирасида ўтказилаётган бундай амалиёт қонун лойиҳаларининг янада шаффоф ва ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Хусусан, партияннинг барча даражадаги тузилмалари томонидан жойларда мазкур лойиҳани такомиллаштиришга қаратилган 50 га яқин семинар ва давра суҳбатлари, таҳлилий-танқидий муҳокамалар ўтказилиб, уларда юзга яқин таклиф ва тавсиялар жамланди.

— Бугунги тадбир аввалги учрашув ва мулоқотларда билдирилган ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг яқини натижаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва улардан лойиҳани такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадида ташкил этилди, — деди О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Муҳаммадсуф Тешабоев. — Сайлов қонунчилигидаги бу каби ўзгариш ва қўшимчалар, табиийки, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш баробарида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги пировард мақсадларни рўйбга чиқаришда асосий омил вазиасини ўтайди. Ана шундан келиб чиқиб, биз лойиҳани муҳокамаларга тайёрлашда сайлов тизмида шаклланган миллий ва халқаро меъёрларга таянаётимиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муродовнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг амалга оширишдаги асосий мақсад таъминлашнинг сайлов тизмининг янада демократлаштириш, сайлов ташвиқотини олиб бориш жараёнида номзодлар ва сийёсий партияларга тенг шартлар яратиш, шунингдек, сайлов



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ТАНЛАШ ЭРКИНЛИГИ ВА ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ИФОДА ЭТИШ ПРИНЦИПИНИ, МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ АСОСИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИ ЯНАДА ТўЛІК АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

нинг очиқ ва ошкоралиги принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу қонун лойи

иҳасида сийёсий партияннинг ўз номзодлари учун овоз беришга давлат этувчи дастури ёки Сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни, депутатликка номзод ҳақидаги маълумотларни тарқатиши, омма олдига баҳс-мунозаралар, матбуот конференциялари уюштириш, интервью бериш, сайловчилар иштирокидаги йиғинларда сўзга чиқишга доир масалаларга ҳам асосий эътибор қаратилган. Унга кўра, депутатликка номзодлар сийёсий партиялар сайловолди ташвиқотининг қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тури, шакли ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин. Бу эса амалда муносиб номзодларни депутатликка сайлаш ва улар билан бевосита мулоқот қилиш имконини кенгайтиради.

— Бундан ташқари, лойиҳада муддатидан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун аввал бошланиши ва сайловга бир кун қолганда тугатилиши назарда тутиляпти, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фаҳриддин Комилов. — Бу ҳам сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш имконини яратди.

Депутатлар машаббуси:

Ислохотлар талабига мослаштирилиши керак


Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

Мутахассислар сўнгги йилларда қорвачилик соҳасининг жадал тараққий этиши баробарида ветеринария хизмати, жумладан, хусусий ветеринария амалиёти ҳам ривож топётганини таъкидламоқдалар. Президентимизнинг шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорвачиликни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда Давлат дастурлари доирасида жойларда аҳолига сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш кўзда тутилган бўлиб, зооветеринария пунктларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг қонуний фаолият юритишлари учун лицензия олишга тўланадиган давлат божи тўловларидан 2014 йил 1 январьга овоз этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай имтиёз тўғрисида иқтисод қилинган маблағлар эса ветеринария клиникалари ва дорихоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда.

Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Концепциясини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатига Ўзбекистон Республикаси Президентини қўллаётган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Вазирилар Маҳкамаси, Бош прокуратура, манфаатдор вазирилк ва бошқа идоралар вакиллари, ветеринария соҳасининг амалиётчи-мутахассислари иштирок этиб, 1993 йилда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳозирги шартлар ва талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишни замоннинг ўзи тақозо этаётганини таъкидлашди.

— Бугун аксарият касб-хунар коллежларида ветеринария мутахассисларини тайёрлайдиган бўлимлар очилган, — дейди Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи Нурбек Йўлдошев. — Уларда тажрибали ва малакали мутахассислар сабоқ бермоқдалар. Олий маълумотли кадрларни тайёрлашга эса Самарқанд қишлоқ хўжали



ги институтининг ветеринария факультети ва Ветеринария идғий-таъқиқот йиғини катта ҳисса қўшмоқда. Ташаббускор гуруҳ аъзоларининг таҳлиллари, шунингдек, соҳа олимларининг хулосаларига кўра, мазкур тизим самарали ишлаши учун замон талабларига мослаштириш, ветеринариянинг роли ва мавқеини ошириш зарурати юзга келмоқда. Чунки бу жараён нафақат ҳайвонларни даволаш, балки улар орасида учрайдиган ва одамларга ҳам ўтиши мумкин бўлган касалликлардан ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини назорат этиб бориш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун эса энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозим. Мамлакатимизда қорвачиликни янада ривожлантириш, хорижий давлатлардан насли молларни олиб келиш ҳам айнан «Ветеринария тўғрисида»ги қонунни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштиришга бориб тақалмоқда.

— Амалдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонунга 1993 йилдан буён 3 марта ба, яъни 1995, 1997 ва 2009 йилларда ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилган, — дейди ташаббускор гуруҳ аъзоларидан бири, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Лекин улар ти

зимдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган, ҳодос. Шунинг учун ҳам бугун ветеринария соҳасини такомиллаштириш, соҳада хизмат кўрсатишни жаҳон стандартларига мослаштириш, юртимизда ветеринария фармацевтикаси муносабатларини тартибга солиш, ветеринария санитариясини кучайтириш масалалари қонунда акс этиши керак.

Давра суҳбатига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари ва экспертлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳаси концепциясини кенг таъкидлаш билан ҳам таъкидланди. Унда қонун лойиҳаси концепциясини кенг жамоатчилик, биринчи қолда, соҳа олимлари ва амалиётчи-мутахассислар иштирокида атрофлича муҳокама қилиш, бу борадаги хорижий тажрибани чуқур ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, амалдаги қонун ижроси юзасидан тегишли вазирилк ва идораларда назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган тадбир якунида мазкур концепцияни маромига етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Бунёдкорлик

Ички йўллар таъмирланмоқда

Мамлакатимизда йўлсозлик соҳаси жадал ривожланмоқда

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожининг ҳуқуқий базаси яратилгани бу борада муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда Андижон вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 2463 километрни ташкил этади. Унинг 103 километри қалқаро, 800 километри давлат, 1560 километри эса маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўллари. Шунингдек, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфида 3383 километр ички йўллар мавжуд. Айни пайтда мазкур йўлларни замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ ишларни янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган «2012 йилда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва хўжалиқлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 50,3 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш учун 35 миллиард 610 миллион сўм маблағ ажратиш

режалаштирилган. Бундан ташқари, 142,7 километр хўжалиқлараро қишлоқ ички автомобиль йўллари таъмирлаш учун 9 миллиард 267 миллион сўм бюджет маблағлари ажратилиши белгиланган. Жорий йилда 133,2 километрлик хўжалиқлараро ички йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилади. Яъни, 131,2 километр асфальт йўллар таъмирланади, икки километр йўлга шағал ётқизилади. Шунингдек, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмачилигида маҳаллий аҳамиятга молик 16,3 километр автомобиль йўлини таъмирлаш учун 5 миллиард 900 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Ички йўлларни таъмирлаш борасида туман ва шаҳарларда белгиланган ишлар аниқ режа асосида олиб бориламоқда. Бугунги кунга қадар барча объектларда йўлларга қум-шағал аралашмаси тўқилиб текисланди, 48,4 километр йўлга асфальт таъмирлаш қоришмаси ётқизилди. Таъмирлаш ишларида сифатли йўл қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бу йил Шаҳрихон туманида 14,2 километр йўл таъмирланади, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳошимжон Зокиров. — Тумандаги 13 қўчада бажариладиган таъмирлаш

ишлари учун 730 миллион сўм маблағ ажратилган. Андижон туманида эса жорий йилда 515 миллион 346 минг сўмлик йўл-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Айни кунга қадар қарийб 300 миллион сўмлик ҳажмдаги иш бажарилиди. Ербоши қишлоғининг У.Ботиров номи, Бешбўйноқ қўчалари тўла асфальтланди. Хакан қишлоғи Пистамозор маҳалласидаги Уриқзор-1, Уриқзор-2 қўчаларида асфальтлаш ишлари давом этмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим туманларда пуарат ташкилотлар томонидан белгиланган ишларни ўз муддатида бажариш борасида сўтқашликка йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатлар бўйича мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли чоралар кўрилмақда.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш соҳасида мавжуд нормалар ва стандартларга риоя этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бу ишга кенг жамоатчилик вакиллариининг жалб этилгани иш суръати ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

— Янги таъмирланган йўллардан юрсангиз баҳридингиз очилади, — дейди меҳнат фаҳрийси Таваккал Топволдиев. — Йўлларнинг кенг ва раволиги транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавфсиз қатновини таъминлайди, йўллар четигаги тулзорлар эса кўзни қувонтиради.

Йўл четларини, йўл олди худудларини ободонлаштириш борасида ҳам ҳокимликлар, ободонлаштириш бошқармалари, худудий автойўл корхоналари томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Йўлларнинг икки четига пиёдалар учун юриш йўлакчалари барпо этилиб, йўллар ва йўлакчаларга замонавий ёриткичлар ўрнатилди. Йўл бошидан буён йўл четларига 150 минг туп терак, 60 минг туп арча, 260 минг туп мевали кўчат, 7 миллион тупдан зиёд турли гуллар экилди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини белгиланган муддатларда якунлаш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Юртимизни ободонлаштириш, аиникса, қишлоқ инфраструктурасини, шу жумладан ички йўлларни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, йўлларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилаётди.

Таълим

ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Чуст туманининг Олмос қишлоғида болалар янги ўқув йилини барча шарт-шароитга эга янги мактабда бошлади. Қишлоқ мактабларининг янгича қиёфа касб этаётгани, уларда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, спорт билан шугулланиши учун барча қулайликлар яратилаётгани Президентимиз томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Чуст тумани таълим муассасаларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тумандаги мавжуд 68 умумтаълим мактабларининг барчаси замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, 62 мактаб жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Мактабларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга доимий эътибор қаратилмоқда. Олмос қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мактабнинг 540 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли биноси тубдан реконструкция қилиниб, яна қўшимча ўқув биноси барпо этилди. Янги ўқув йилини замонавий, барча шарт-шароитга эга мактабда бошлаган қишлоқ ёшларининг қувончи чексиз. А.САТТОВ, ЎЗА мухбири

Жамоатчилик назорати кучайтирилиши керак

Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги жами депутатларнинг 17 нафарини O'zLiDeP, 9 нафарини «Миллий тикланиш», 3 нафарини ХДП ва 1 нафарини «Адолат» СДП аъзолари ташкил этмоқда

Асхор ИСТАМОВ,
-XXI ASR-

Айни пайтда туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида торабора муҳим аҳамият касб этаётган депутатлик корпуси фаолиятида O'zLiDeP аъзолари ташаббускор бўлишга интиломда. Хусусан, депутатлик гуруҳи аъзолари жорий йилнинг ўтган даврида бир қатор масалаларни муҳокама қилдилар. Масалан, депутатлар томонидан «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси Галаосиё филиали, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда туман иқтисодиёт бўлими мутасаддилари ахбороти ешитилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Депутатлик гуруҳининг 9 апрель кунги йиғилишида эса асосий эътибор аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш масаласига қаратилди. Чиндан ҳам, М-37 автомагистралда транспорт воситалари тўхташи мумкин бўлган бекат қурилиши анчадан бери пайсалга солинмоқда. Мазкур автомобиль йўлининг таъмирталаб бўлиб қолгани ҳам ҳозирча соҳа мутасаддиларини ташвишга солмапти. Шу ўринда депутатлар туман маркази — Галаосиё шаҳрида деҳқон бозори барпо этиш билан боғлиқ ишлар охирига етказилмаётганига ҳам эътибор қаратганларини таъкидлаш жоиз.

Гарчи туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муайян ишлар олиб борилган бўлса-да, бу борала ҳам ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина. Жумладан, 829

та якка тартибдаги тадбиркорлик субъектининг 48 таси айрим сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Бундан ташқари, ҳудудий инвестиция дастури доирасида кўзда тутилган 6 та лойиҳанинг бирутрасига ҳам хорижий инвестиция жалб этилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? «Бандлик» дастурига асосан туманда 1475 та янги иш ўрни

ларига уланиши, аҳоли ва тадбиркорларни табиий газ билан таъминлаш, электр таъминотидаги узиллишларнинг олдини олиш, маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш масалалари шулар жумласидандир. Жорий йилнинг июль ойида кенгаш саяё-ҳаракати билан ҳудуддаги «Гала Ривер», «Бухоро

хизматини яхшилаш масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Гап шундаки, тумандаги Туркон, Арабхона, Кичикбой, Қайрағоч қишлоқларида жами 4592 нафар киши, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг 170 нафари ана шу қишлоқларда истиқомат қилади.

Бу эса ҳудудда транспорт хизматиға эҳтиёж юқори экан-

МАЗКУР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИНГ ТАЪМИРТАЛАБ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ҲАМ ҲОЗИРЧА СОҲА МУТАСАДДИЛАРИНИ ТАШВИШГА СОЛМАЯПТИ. ШУ ЎРИНДА ДЕПУТАТЛАР ТУМАН МАРКАЗИ — ГАЛАОСИЁ ШАҲРИДА ДЕҲҚОН БОЗОРИ БАРПО ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР ОХИРИГА ЕТКАЗИЛМАЁТГАНИГА ҲАМ ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР.

яратилган бўлса-да, бу борала ҳам ҳали кўп ишлар қилиш лозимлиги кўриниб турибди. Касб-хунар коллежларини таъминлаган айрим ёшларни иш билан таъминлаш ҳам эътиборсизликларга йўл кўйилмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санаятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги қарорининг тумандаги ижроси юзасидан ҳокимликнинг иқтисодиёт бўлими бошлиғи А.Очилов ҳисоботини навбатдаги сессия муҳокамасига кириштиришга қарор қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, туман кенгаши раиси Ҳ.Раҳматов етакчилигидаги фаоллар ана шундай муаммолар масалалар ечимини муҳокама-сига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг коммуникация тармоқ-

Хамрия», «Ростехстрой» қўшма корхоналарининг барқарор ишлашига халақит бераётган бир қатор омиллар ўрганилиб, депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинди. «Давра суҳбати» шаклида ташкил этилган тадбирда «Бухоро Хамрия» қўшма корхонасида газ босимининг пастлиги, электр энергияси таъминотидаги узиллишлар тилга олинган бўлса, «Ростехстрой» қўшма корхонасида бўёқ ишлаб чиқариш учун тегишли жой ажратилиши зарурлиги масаласи кўриб чиқилди. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар юзасидан туман ҳокими, O'zLiDeP аъзоси Х.Равшанов, туман газ корхонаси раҳбари А.Авезов, туман ер ресурслари бўлими раҳбари Р.Эргашев, туман халқ таълими бўлими мудир П.Холов ҳам ўз таъкид ва тавсияларини билдирдилар.

Депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида эса «Янги турмуш» ҚФЙ аҳолисининг ҳудудда транспорт нидан далолатдир. Халқ депутатлари туман кенгаши депутатларидан У.Бобоқонов, Р.Иноятов ва бошқалар депутатлик гуруҳи аъзоси Б.Шериповнинг «Янги турмуш» ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи 437-йўналишни автобус қатновини Туркон қишлоғига узайтириш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда мазкур масала бўйича «Ўздарэтранс» агентлигининг вилоят бўлимига депутатлик сўрови билан мурожаат қилишга қарор қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи изчил ва тўлақонли фаолият кўрсатмай электорат манфаатини ҳимоя қилиб бўлмагани сезган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, партияннинг бутунги ва эрганги обрў-эътибори, юзлаб ва минглаб сайловчилар томонидан депутатларга нисбатан берилган ҳаққоний баҳо депутатлик гуруҳларининг давр талаблари даражасида фаолият олиб боришига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Депутатлик имтиёз эмас, масъулиятдир

— дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Муяссар Қодирова



учун қандай йўл тутиш керак, деб ўйлайсиз?

— Бугун маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ўз ҳудудларидаги БПТларга бириктирилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий фаолиятини ошириш юзасидан эса вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий ташкил марказида ўқувлар ташкил этила бошланди. Депутатлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилаётир. Шу ўринда депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича вилоят кенгаши ижроия қўмитаси комиссияси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўйича мутасаддилар гуруҳи таркиби ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича махсус ишчи гуруҳлари таркиби тузилганини айтмоқчиман. Маҳаллий кенгаш

га қаратилгани билан эътиборга сазовордир. Ўтган йили «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари мақоми тўғрисида»-ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, 2011 йил ғалла ва пахта ҳосилини етиштириш, давлатга сотиш бўйича контрактация шартномалари таллабларига риоя этилиши боғлиқ ишлар юзасидан ви-

АЙНИ ПАЙТДА 21 МИНГДАН ОРТИҚ АЪЗОНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРГАН БПТЛАР ФАОЛИЯТИГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЯПТИ. ДЕБ БЎЛМАЙДИ. ВАҲОЛАНКИ, ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНАЁТГАН, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЭЪТИБОР ЮҚОРИ БЎЛГАН БУТУНГИ КУНДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР НАФАҚАТ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ, БАЛКИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҲАМ ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК.

лоят адлия бошқармаси бошлиғи ҳисоботини вилоят кенгаши сессиясида эшитиш таклифи билан чиқдик. Ўз навбатида, ушбу масала халқ депутатлари вилоят кенгашининг март ойидаги сессиясида кўриб чиқилди ва ғалла, пахта етиштираётган фермерлар манфаатини ифода этадиган қарор қабул қилинди.

— O'zLiDePнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни беқийс, албатта. Масалани ана шу нуқтадан назардан ёндашсак, Сурхондарёда маҳаллий кенгаш депутатлари билан БПТлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини қоникқарли, дейиш мумкинми?

— Бошланғич ташкилотларни мевали дарахт илдизига қийслаш мумкин. Шу маънода, ушбу саволингизга қанчалик афсусланарли бўлмасин «йўқ», дея жавоб қайтараман. Чунки айни пайтда 21 мингдан ортиқ аъзони бирлаштириб турган БПТлар фаолиятига етарлича эътибор қаратилапти, деб бўлмайди. Ваҳоланки, шиддат билан ривожланаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор юқори бўлган бугунги кунда бошланғич ташкилотлар нафақат маҳаллий кенгаш, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг ҳам энг яқин кўмакчиси бўлиши керак. Чунки улар электорат ютуқлари-ю муаммоларини бевосита кўриб, кузатиб турибди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни партияннинг туман, шаҳар ва вилоят бўғинига етказиш ҳам БПТлар асосий кучдир. Аммо, афсуслат қилишимиз шунки, бундай муҳим масалада депутатлик гуруҳларида ҳам, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам қатор камчиликларимиз бор. Бу нуқсон, айниқса, депутатлар билан БПТлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида яққол кўзга ташланмоқда.

— Электорат вакиллари учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этишда O'zLiDePдан сайланган депутатлар зиммасида алоҳида масъулият бор, албатта. Депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида ана шу масалага қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

— Кези келганда, ўтган сайловларда халқ депутатлари вилоят кенгашига O'zLiDePдан 19, шаҳар ва туман кенгашларига 120 нафар депутат сайланганини айтиш мумкин. Йилнинг ўтган даврида шаҳар ва туман кенгашидаги депутатларимиз томонидан 31 та депутатлик сўрови, 4 та назорат-таҳлил фаолияти ва 16 та депутатлик эшитиш олиб борилди. Бу ишлар айнан электорат манфаати ҳимояси-


депутатлари билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни талаб даражасига етказиш учун мазкур тизимлар фаолиятдан ҳам самарали фойдалана бошладик. Партия нуфузини янада ошириш, электорат ишончини қозониш учун эса БПТларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан бақувват бўлишларига эришишимиз керак. Мазкур масалага O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга яқинда Термиз шаҳрида O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолияти самараландирганини оширишга бағишланган ўқув-семинар машғулотлари ўтказилгани ҳам мисол бўлиши мумкин. Бироқ ана шундай тадбирлар бевосита бошланғич партия ташкилотларида ташкил этилса, фойдалироқ бўларди, деб ўйлайман.

— Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳининг масъул раҳбарлар ҳисоботларини эшитиш ва маҳаллий кенгаш сессиясида электорат манфаатини ифода этадиган масалаларни киритиш юзасидан аниқ иш режаси борми?

— Бу борала иш режага эгамиз. Бунда партия вилоят кенгаши яқиндан кўмаклашапти. Бу йилги режамизга мувофиқ халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига партияннинг вилоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш дастурини кенг жорий этиш масаласини киритишни мўлжаллаяпти. Партия ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур дастурнинг жорий этилиши иқтисодиётимизни янада юксалтиришга, аҳолининг бандлик масаласини ҳал этишга, электоратимиз фаолиятини эса янада ривожлантиришга хизмат қилади, албатта.

Фарход ТОШБОВ
суҳбатлашди.

Қутлов



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»


ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини энг шуқуҳли сана — МУСТАКИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади.

Хонадонингизга қут-барака, ишларингизга ривож тилайди.

Омад ва муваффақият доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Умрингизнинг ҳар бир кунини Муस्ताқиллик байрамидек файзли ва нурафшон ўтсин!



«CHEVROLET COBALT»:

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Пойтахтимизда 5 сентябрь куни «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги «Chevrolet Cobalt» автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди

Виктор НИКОЛАЕВ,
УзА муҳбири

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, «General Motors» компанияси, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдирот маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган Ўзбекистон автомобилсозлик sanoati истиқлол йилларида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятининг рамзига айлангани таъкидланди. Дунёнинг нуфузли компаниялари билан ўзаро тенглик ва манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган бу борадаги ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам хариддорларнинг ишончини тўла қозонмоқда. Автомобилларимиз дунёнинг турли давлатларида экспорт қилинмоқда. МДХнинг 104 шаҳрида уларни сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият кўрсатаётди.

«Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ўз таркибиде қарийб 40 компанияни бирлаштирган. Улар орасида Жанубий Корея, АКШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бор. Бу корхоналарда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз автомобилсозлари истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, уларни тақомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий



ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН АВТОМОБИЛЛАР НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ, БАЛКИ БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ХАРИДОРЛАРНИНГ ИШОНЧINI ТЎЛА ҚОЗОНМОҚДА. АВТОМОБИЛЛАРИМИЗ ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА. МДХНИНГ 104 ШАҲРИДА УЛАРНИ СОТИШ БЎЙИЧА ДИЛЕРЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТИР.

инқирози давом этаётганига қарамай, «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» корпорацияси яна бир янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

«Узавтосаноат» мутахассисларининг таъкидлашича, янги энгил автомобилнинг ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз автосаноати янада изчил ва дадил ривожланаётганидан далолатдир.

«Chevrolet Cobalt» — «General Motors» томонидан тобора та-

рақий этиб бораётган бозорлар учун махсус ишлаб чиқарилган мулақо янги русумдаги автомобилдир. Ушбу автомобиль тўрт турда ишлаб чиқарилади.

«Cobalt» 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 106 от кучи қувватига эга ва 5 босқичли механик узатмали двигатель билан жиҳозланган. 100 километр тахминан 6,2 литр ёқилги сарфлайди. Ривожланиб бораётган бозорларда бу автомобиль В туркумига кирувчи ягона модель бўлади. Бундан та-

шқари, унинг 6 босқичли автомат трансмиссия ўрнатилган русумига ҳам буюртма бериш мумкин.

Беш киши учун мўлжалланган ушбу кенг салонли автомобиль йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ён томонлари баланд анатомик ўриндиқлар билан жиҳозланган. Автомобиль кондиционер, куйма дисклар, аудиотизим, хавфсизлик ёстиқчалари, электр кўзулар ва автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.

«Cobalt» автомобилнинг ажойиб дизайни, замонавий хавфсизлик тизими ва бошқа юксак сифат кўрсаткичлари компанияга уни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижада ҳам сотиш кўлами ва ҳажмини кўпайтириш имкониятини беради. Мутахассисларнинг фикрича, «Chevrolet Cobalt» хариддорлар эътиборини тез қозонади. Ушбу янги моделини ишлаб чиқариш ҳажми йилдига 120 мингдан ошади ва яқин вақт ичида у сотувга чиқарилади.

Марказ ўз фаолиятини ҳудудларга кўчирмоқда

«Мустаҳкам оила йили»нинг ўтган даври таҳлил этилса, Қашқадарё вилоятининг энг чекка ҳудудларида ҳам йил билан боғлиқ Давлат дастури ижросига қатъий амал қилинаётгани, айниқса, тадбиркорлик изчил ривожланаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

О'zLiDeP ташаббуси билан амалиётга жорий этилаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси ҳам бу жараёнда воҳанинг ёш ва ташаббускор ишбилармонларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. 2012 йилда лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида 200 нафардан ортиқ тадбиркор иштирок этган бўлса, вилоят босқичида энг кучли деб топилган 90 нафар тадбиркор таллаб олинди.

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашидаги «Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази» раҳбари Азиз Пирназаровнинг таъкидлашича, ана шу лойиҳа доирасидаги нафақат ўн илтифатчан тадбиркорлар «кашф» этилди. Айни пайтда гузорлик Мусурмон Фармонов, сервис хизмати кўрсатиш шохбчасини ташкил этиш учун 100 млн. сўм қийматидаги бизнес-режаси билан тадбиркорликка кириб келган деҳқондорлик Икром Холмуродов сингари ишбилармонлари ана шундай ташаббускорлар қаторида тилга олиш мумкин. Лойиҳада иштирок этган яққабог'лик тадбиркор Зулфия Мўминова тикучилик шеҳи ташкил этиш мақсадида 10 млн. сўм, Наргиза Бойхўжаева эса чорвачилик билан шуғулланиш учун 15 млн. сўмлик бизнес-режаларини банкларга тақдим этилди.

Бу эса «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўкув-семинарлар ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга том маънода кўпни вазифасини ўтаётганини кўрсатади. Шу ўринда лойиҳа доирасида «Энг яхши тадбиркор оила» кўриктанловни ўтказилиб, вилоятнинг барча шаҳар ва

туманларидаги иқтидорли кишиларни аниқлаш имконини берганини ҳам таъкидлаш мумкин. Бундай натижалар ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маҳаллаларда кичик бизнесни янада ривожлантиришга хизмат қилаётган лойиҳага қизиқувчилар сони ошиб бораётганидан далолатдир.

Таҳлиллар «Мустаҳкам оила йили»да қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ана шу жараёни бутунлай янги босқичга олиб чиқа бошлаганини ҳам кўрсатапти.

Гузорлик тадбиркор Шерали Қиличев томонидан ишлаб чиқилган «Иссиқхоналарни ноанъанавий иситиш тизими» айна пайтда бошқа ҳудудлардаги тадбиркорлар эътиборини ҳам торта бошлади. Муаллифнинг таъкидлашича, бутун тадбиркорлар ана шундай муқо бил энергия таъминотига ўтмас эканлар, замонадан ортада қолаверадилар. Гузор туманидаги Ешлик кўчасида яшовчи Мусулмон Пармоновнинг кўп тармоқли иссиқхонасида эса шитрус мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Китоб туманидаги «Жўрабек Абдимурод ўғли» деҳқон ҳўжалигида ҳам кўп тармоқли иссиқхона ташкил этилиб, яхшигина даромад манбаи яратилди.

Яққабог'лик тадбиркор Аҳмадjon Махсумов ҳам амалдаги имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб «Аҳмад ҳамкор» оилавий корхонасини ташкил этди. Айни пайтда 15 киши иш билан банд бўлган мазкур корхонада брусчатка, пенаблок, пенабетон, блокли гишт каби бир қатор қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётди. Тадбиркор замонавий ва мўъжаз иссиқхоналар қуриб беришни ҳам бошлаб юборди. Мутахассисларнинг таъкид-

лашича, вилоятда бунёд этилаётган намунали уй-жойларнинг поли ва устки қисми учун 30 минг куб. пенабетонга эҳтиёж бор. Бу талабни қондиришни ҳам ана шу оилавий корхона ўз зиммасига олди. Айни пайтда пенабетон ишлаб чиқарадиган замонавий технология учун 200 млн. сўм кредит олиш ишлари кетмоқда.

«Мулкдор оила» лойиҳасида фаол иштирок этган мубораклик Мадина Давронованинг таъкидлашича, агар унинг лойиҳаси учун кредит ажратилса, тадбиркорда янги цех фаолиятини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё вилоятида ҳам О'zLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳаси янгидан-янги мулкдорларга қанот бўлаяпти. Семинар-тренинглар жараёнида иштирокчиларнинг ўз бизнес-режалари тақдимотини намойиш қилишлари ва энг яхши бизнес лойиҳа эгаларига ҳамкор ташкилотларнинг сертифицикатлари топшириляётгани ҳам лойиҳанинг реал натижалари, дея баҳолашмоқда. Турғи, мазкур лойиҳа «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси жараёнида амалга ошириляётган улкан ишлар олдиде митти бир ирмоқ, холюс. Аммо кўзда тутилган мақсад — тадбиркорликни кенг тарғиб этиш, жойларда иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорликка жалб этиш Давлат дастури ижросини таъминлашга хизмат қилаётган экан, унинг ҳар қандай натижасини муваффақиятли, дея баҳоласак бўлади. Бунда тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказининг ҳудудларга эътибор қаратаётгани эса натижаларни янада мустаҳкамлаш имконини берапти.

Аёллар тадбиркорлиги

Ишбилармонлик — оила фаровонлиги таянчи

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ислохотлар туфайли О'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармон аёллар сони ҳам тобора ортиб бормоқда

Наргиза КАХХОРОВА,
«XXI ASR»

Нуроталик Рухсора Тўрақулова ана шундай ишбилармон аёлларимиздан. Майда нақшлари ва нафислиги билан юртимизнинг бошқа каштачилик мактабидан ажралиб турувчи Нурота каштачилигини дунёга танитаётганлар қаторида Рухсора опа номини ҳам алоҳида тилга олиш мумкин.

Айни пайтда 27 нафар шоғирди билан Нурота тарихи, унинг бой маданияти билан боғлиқ кашта намуналарини ўрганаётган, қадимий нусхаларга сайқал бериб, ҳозирги замон либосларига мослаштиришга уринаётган Р.Тўрақулова издошлари ортиб борапти.

«Муаззам сарбон» хусусий фирмаси ишга тушганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бозор талабларини ўрғаниб, тадбиркорларга яратиб бериляётган имкониятлардан фойдаланаётганимиз боис мақ-

садга эриша бошладик. Ишда сифат бўлгач, мижознинг ўзи маҳсулотни қидириб келар экан, — дейди тадбиркор. — Корхонамизда тикилган кашталар 2009 йилда «Асрлар садоси», 2011-2012 йилларда Бухорода бўлиб ўтган «Ипак ва зирворлар фестивалида», «Базар Аръва» «Ташаббус» кўрик-танловларида юқори ўринларга лойиқ топилди. Бугунги кунда ана шу она касбимни ёш авлодга ўргатаётганимдан бениҳоя мамнунман. Давлатимиз томонидан «Шухрат» медали билан тақдирланганим эса камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳодир.

Оила ҳамжихатлигида гап кўп, албатта. Шундан бўлса керак, «Муаззам сарбон» оилавий корхонаси фаолияти йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар ҳажми ортиб бораётди. Оиланинг кенжа қизи Махфизат Тўрақулова ҳам бугун онаси изидан бориб, каштачилик сирларини мукамал эгалламоқда. Тадбиркор қизнинг бундай ташаббуси табиийки,



О'zLiDeP Навоий вилоят кенгашининг ёшлар ва аёллар билан ишлаш бўлимлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётди.

— Нурота туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг битирувчиси. Утган 2011-2012 ўқув йилида О'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг «Ишбилармон талаба» лойиҳасида иштирок

этиб, голиб бўлганим боис имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим, — дейди Махфизат. — Натижада 6 нафар дугонамни иш билан таъминладим. Жорий йилда «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгалладим.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларимизда тадбиркорлик кўникмала-

рини шакллантириш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш, оилалар фаровонлигини янада ошириш каби О'zLiDeP иллари сураётган гоьлар бугун нуроталик опа-сингилларимизнинг иш фаолиятида ҳам яққол намоён бўляпти. Зеро, бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга оширилган ишларимиз эртанги кунимиз пойдеворидир.

Сўранг, жавоб берамиз!

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ФАҚАТ УНИНГ ЭҒАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

«Пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўлов ва пул айланмалари, шунингдек, банкдан ўтказилган маблағлар ҳақидаги маълумотлар қанча вақт давомиде сақланади? Пластик карточка эгалари ана шу маълумотларни қай тарзда олишлари мумкин?»

Н.Аҳмедов, Тошкент вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» талабларига асосан, мижозларнинг пластик карталар асосида амалга оширилган барча амалиётлари доимий сақлаш тўғрисидаги маълумот ҳисобланиб, улар 15 йил мобайнида идоравий архивларда сақланади ва идоравий сақлаш муддати тугаган маълумотлар ўрнатилган тартибда давлат архивларига топширилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси ўринбосари Нозим Хусанов. — Пластик карталар орқали амалга оширилган барча амалиётлар тўғриси-

даги маълумотлар банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳисобланиб, бундай маълумотлар фақат мижознинг ўзига ёки у ваколат берган вакилларга тақдим этилиши мумкин. Ўз навбатида, пластик карталардан фойдаланувчилар ўзларининг пластик карталари орқали амалга оширилган барча амалиётлар бўйича маълумотларни бевосиват мазкур картани эмиссия қилган банкка мурожаат қилган ҳолда олишлари, шунингдек, охириги амалга оширилган 10 та амалиёт, яъни карта тарихини инфоқосклардан эркин фойдаланган ҳолда билиб олишлари мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз.

Тадбиркорлик мустақкам қонун ҳимоясида



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ана шундай изчил, кенг қўламли ва тизимли ишлар самарасида мамлакатимиз иқтисодиётида юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 2012 йилнинг дастлабки олти ойи якунига қўра, аҳоли умумий даромадларининг 26,1 фоиз ўсгани, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,6 фоизни ташкил этгани бунинг бир далилидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард доллардан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинган ҳам соҳа жалал раванқ топаётганини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар туфайли шу йилнинг биринчи ярмида 13 мингта янги бизнес субъекти ташкил этилди. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият юритмоқда.

— **Тадбиркор эркин бўлса тўлақонли фаолият юрита олади. Буни қонуний асосда ҳамда амалда таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Мамлакатимизда тадбиркорлик эркинлиги қонунан кафолатланган. Бу боралдаги қонунчилик мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

2012 йил 2 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, тадбиркорлик субъектларига зарур имтиёз ва кафолатлар бериш, мазкур субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид метёрларни ўзида мужассамлаштирди. Энг муҳими, қонунда тадбиркор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи, яъни бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорнинг фойдасига тақдир этилиши белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ноқонуний текширишларга барҳам беришга оид фармон ва қарорлари ижроси прокуратура органларининг доимий эътиборида. Жойлардаги давлат бошқаруви органлари, архитектура ва

қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ, банк идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар тизимида назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралашуш каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этилаётган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида аниқланган беш юздан зиёд қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бундай ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларга чек қўйиш юзасидан тегишли идораларга 140 тақдирнома киритилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш хусусида 269 протест келтирилди. 322 нафар мансабдор шахс расман огоҳлан-тирилди. Икки юз нафардан ортиқ шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг 654 миллион сўм маблагини ундириш юзасидан судларга 78 даъво аризаси киритилди.

— **Айрим мансабдор шахсларнинг маъмуриятсизлиги, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатлар тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётгани ҳам сир эмас...**

— Бундай ҳунуқ ҳолатларга барҳам бериш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Лекин, афсуски, айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш бўйича, тадбиркорлик ривожига тўсиқлик қилиш, ноқонуний қарор ва фармойишлар чиқариб, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

Мисол учун, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани бош архитектори Р.Ботиров «Ихлос бизнес барака» хусусий корхонаси раҳбари М.Миглиев ва бошқа тадбиркорларнинг объектлар қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги мурожаатларини қўриб чиқмасдан келган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Р.Ботиров жиноий жавобгарликка тортилди.

Фарғона шаҳар ҳокими тадбиркор М.Муйдиновга тегишли устaxonани бузиш ҳақида қарор чиқарган. Бироқ қонунга зид бу қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Хоразм вилояти Янги-ариқ тумани ҳокимининг

ўринбосари Ў.Рўзметов «Алибек Мафтуна» хусусий корхонаси раҳбари И.Шомуродовнинг тадбиркорлик фаолияти юртиш учун ер ажратиш ҳақидаги аризасини ўз вақтида қўриб чиқмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Назорат тадбирларида тадбиркорлар уюшмалари, бозорлар ҳамда бошқа корхоналар мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлар манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланди. Хусусан, «Хоразм шилла» акциядорлик бирлашмаси раҳбари Н.Ортиқов «Хонқа шилла» маъмурият чекланган жамияти билан шартнома тузишга тўсиқлик қилиш учун «Абдулазиз Дилшод саховати» хусусий корхонаси раҳбари А.Искандаровдан 9 минг АҚШ долларини пора сифатида олганга ушланган.

Ҳисобот даврида бундай ҳолатлар бўйича 155 та жиноят иши қўзғатилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари тегишли тартибда муҳофиза қилинди.

— **Прокуратура органларига тадбиркорлардан келиб тушаётган ариза ва мурожаатлар кўпроқ қандай муаммо ва масалалар ҳақида, улар қандай ҳал этилмоқда?**

— Қонун устуворлигини таъминлашда фуқаро мурожаати муҳим ўрин тутади. Агар фуқароларимиз ўзлари дуч келаётган қонунбузарлик ҳаракатлари юзасидан тегишли идораларга ўз вақтида мурожаат қилишса, муаммолар тез барҳам топади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юк-

салтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг босиси ҳам шу.

Прокуратура органлари томонидан бу йўналишда кўплаб тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан шу йилнинг ўтган даврида 2,5 мингта яқин учрашув ўтказилди. Бундай тадбирларга ҳокимликлар ва мутасадди идоралар вакиллари жалб этилиб, тадбиркорларга ер майдони ажратиш, кредит ҳамда лицензия бериш каби масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ҳам тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини англаб етишига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари тизимида жорий этилган «1007» рақамли «Ишонч телефони»га мингта яқин мурожаат тушуни бунни тасдиқлайди.

Мисол учун, тадбиркор Д.Жалоловнинг Мирзачўл тумани прокуратурасининг «Ишонч телефони»га қилган мурожаатига асосан унга паррандачилик билан шуғулланиш учун ҳоким қарори билан 0,35 гектар ер майдони ажратилиши таъминланди.

Тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 924 муаммо ҳал этилди. Жумладан, қирқ нафар тадбиркорга ер майдони ажратилишида, 190 нафарининг давлат рўйхатига олинди. 51 нафарига қарзини ундиришда, 58 нафарига рухсатномалар берилишида, 33 нафарига хомаш ресурсларини сотиб олишда, 28 нафарига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, 6 нафарига биноларни ижарага олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида 918 янги иш ўрни яратилди.

Бизнес вакилларининг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасидаги бундай чора-тадбирлар самардорлигини ошириш, жойларда қонун устуворлигини таъминлаш тадбиркорларнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилади. Зеро, тадбиркорлик иқтисодиётимизни ҳаракатлантирувчи куч, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчидир.

Норгул АБДУРАИМОВА
(ЎЗА муҳбири) суҳбатлашди.

Қутлов

«ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ» ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

она Ватанимиз ободлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, тадбиркор ва қишлоқ мулкдорларини

Истиқлолнинг 21 йиллиги билан табриклайди

Мустақиллик байрами шуқуҳи хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ «ЎЗБЕКИСТОН ТУМАН ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ» ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни қутлуғ айём — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ушбу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга сихат-саломатлик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларида омад-тилайди!

Истагимиз шуки, мустақиллик билан бирга кучга тўлиб, камол топаётган ёш авлоднинг келажаги бундан-да порлоқ бўлсин!

Реклама

SD PAPER

МЧЖ корхонаси
2,5 кг. А4 ҳажмдаги офсет
қоғозларини таклиф этади.

SD PAPER
Laser, copier and inkjet

A4 80 500

100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш.
Ўзбекистон ш.о.к.учаси, 16-А.у.
Мурожаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 249-49-49.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши О'zLiDeP Бўка туман кенгаши раиси Шохида Мамадалиевага турмуш ўртоғи **Бекмурод ИНОМБЕКОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ «СОБИР ОТА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни

Мустақиллигимизнинг

21 йиллиги

билан қизғин

табриклайди.


**Юртимиз обод,
дастурхонимиз тўкин,
гўзал диёримиз
доимо тинч ва
осойишта бўлсин!**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ «ТОЙИР-ЖАМОЛ ОТА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг 21 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.*

**Барчангизга оилавий бахт, узоқ умр,
ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.**





Билайн™

hayotning yorqin tarafida bo'l

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЕРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ASR
ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР
НАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Бахтиёр ҒАНИЕВ, Зайдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Илхом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Эмомал АБРОРОВА, Шахзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАХМОНОВ,
Томир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУЎАВВИН: Миродил АБДУРАХМОНОВ. МАТН ПЕРУВЧИ: Раъно АБДУГАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия туркуми ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва тахлиф, ҳатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва оёқлар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50,
Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНБИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot@ozline.uz, ozi@ozline.uz, ozi@mail.ru
©XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилади шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
*Ўзбекистон НММУ Босмаханасида чоп этилди. Қоғ-қона маъмули. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Маtbуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009
рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 5291. Тираж: 13 423
Баҳоси келтирилган нарҳда.
Тошкентда — 2000



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Навбатчилар:
Ш.ХАҲАЕВ, С.ЗОИРОВ